



Хавфсизлик Кенгаши

2008 йил 19 июнь

Хавфсизлик Кенгашининг 2008 йил 19 июндаги 5916-нчи йигилишида қабул қилинган 1820 (2008) Резолюцияси

Хавфсизлик Кенгаши,

яна бир бор ўзининг 1325 (2000), 1612 (2005) ва 1674 (2006) резолюцияларига бундан буён ҳам ва тўла содиқлиги тасдиқлаган ҳамда ўз Раисининг 2001 йил 31 октябрдаги (S/PRST/2001/31), 2002 йил 31 октябрдаги (S/PRST/2002/32), 2004 йил 28 октябрдаги (S/PRST/2004/40), 2005 йил 27 октябрдаги (S/PRST/2005/52), 2006 йил 8 ноябрдаги (S/PRST/2006/42), 2007 йил 7 мартдаги (S/PRST/2007/5) ва 2007 йил 24 октябрдаги (S/PRST/2007/40) баёнотларига асосланган,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадлари ва тамоилларига *амал қилган,*

2005 йилги Жаҳон саммитининг якуний хужжатида давлатларнинг халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ қуролли низолар пайтида ва улар тамом бўлганидан кейин жазосизликка йўл қўймаслик, фуқароларнинг, айниқса аёллар ва қизларнинг ҳимояланишини таъминлаш орқали аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига барҳам беришга қатъий қарор қилингани *яна бир бор таъкидлаган,*

Пекин декларациясида ва Хатти-ҳаракатлар платформасида (A/52/231) кўзда тутилган мажбуриятларни, шунингдек Бош Ассамблеянинг маҳсус йигирма учинчи сессиясининг «Хотин-қизлар 2000 йилда: хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенглик, XXI асрда ривожланиш ва тенглик» (A/S-23/10/Rev.1) деб номланган якуний хужжатида келтирилган мажбуриятларни, хусусан, қуролли тўқнашув шароитидаги зўравонлик ва хотин-қизларга тааллуқли бўлган мажбуриятларни *эслатган,*

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, унинг Кўшимча баённомаси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Кўшимча баённомалари иштирокчилари бўлган давлатларнинг мажбуриятларини *яна бир бор тасдиқлаган ҳамда буни ҳали*

амалга оширмаган давлатларни ушбу ҳужжатларни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш масаласини кўриб чиқишга астойдил *даъват қилган*,

фуқаролар қуролли тўқнашувлардан жиддий зарар кўрувчи шахсларнинг кўпчилигини ташкил қилиши; энг аввало, уруш тактикаси сифатида, жамоалар ёки этник гурухларни таҳқирлаш, зулм ўтказиш, кўрқитиш, тарқоқликни ва/ёки зўрлаб кўчириш мақсадида кўлланиладиган аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик ишлатилиши; ва бу тарзда содир этиладиган жинсий зўравонлик айrim ҳолларда ҳарбий хатти-ҳаракатлар тамом бўлганидан сўнг ҳам давом этиши мумкинлигини *таъкидлаган*,

қуролли тўқнашув шароитида фуқароларга, шу жумладан хотин-қизлар ва болаларга нисбатан жинсий ва бошқа турдаги зўравонликларни қатъий равища коралашини *эслатган*,

қуролли тўқнашув шароитида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликларни, шу жумладан қуролли тўқнашув шароитида жинсий зўравонликни қоралаш юзасидан бир неча бор баёнот билдирилишига, қуролли тўқнашувлар пайтида томонларга йўналтирилган бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича даъватларга қарамай, бундай ҳолатлар ҳамон содир қилинаётгани, айrim ҳолларда – муентазам равища ҳаддан зиёд шафқатсизлик билан содир этила ётгани муносабати билан яна бир бор ўз хавотирини *ифодалаган*,

жинсий зўравонлик билан боғлиқ бир қатор жиноятларнинг Халқаро жинойи суднинг Рим статутига ва маҳсус халқаро жинойи трибуналлар статутига киритилишини *эслатган*,

тўқнашувларнинг олдини олиш ва тартибга солишда ҳамда тинчликни қарор топтиришда хотин-қизларнинг муҳим ролини яна бир бор *тасдиқлаган* ҳамда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича барча хатти-ҳаракатларда уларнинг teng ҳуқуқли ва ҳар томонлама иштирокининг аҳамиятини ҳамда низоларнинг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича қарорлар қабул қилишда уларнинг ролини кучайтириш зарурлигини *таъкидлаган*,

зўравонлик, кўрқитиш ва камситиш оқибатида хотин-қизларнинг низоларнинг олдини олиш ва тартибга солишда тўла равища иштирок этишга имкон бермайдиган сақланиб келаётган тўсиқлар ва муаммолардан ҷуқур *ташивишланган*, натижада хотин-қизларнинг низодан кейинги ижтимоий ҳаётда иштирок этиши лаёкати ва қонуний ҳуқуқига зарар етиши, ва ушбу ҳолатнинг мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик ва келишув, хусусан, низодан кейинги тинчликни қарор топтиришга салбий таъсир кўрсатишини *тан олган*,

халқаро ҳукуқ меъёрларига мос равища фуқароларининг, шунингдек уларнинг худудидаги барча шахсларнинг инсон ҳуқуқлари хурмат қилиниши ва таъминланиши учун бош масъулият давлатлар зиммасида эканлигини *тан олган*,

ушбу түқнашув таъсир кўрсатган фуқароларнинг ҳимоясини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўриш учун масъулият қуролли түқнашув томонлари зиммасида эканлигини яна бир бор тасдиқлаган,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги хатти-харакатларнинг доимий мувофиқлаштирилиши, бунинг натижасида қуролли түқнашувлар пайтида ва улар тамом бўлганидан кейинги даврда жинсий зўравонлик муаммоси бўйича хабардор қилишга қаратилган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг түқнашувлар шароитида жинсий зўравонликка қараш бўйича хатти-харакатлари» муассасаларо ташаббусини юзага келганлиги қутлаган ҳолда

1. *шуни таъкидлайдики, жинсий зўравонлик қасдан фуқароларга нисбатан уруш тактикаси сифатида, ёки фуқароларга нисбатан кенг тарқалган ёки тизимли ҳужумлар сифатида қўлланилган ёки рағбатлантирилган ҳолларда қуролли түқнашувлар шароитида вазиятни янада оғирлаштириши ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни тиклашга тўсқинлик қилиши мумкин, шу муносабат билан, бу каби жинсий зўравонлик ва уларга жавоб хатти-харакатларининг олдини олиш бўйича амалий чораларнинг кўрилиши жиддий равишда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ёрдам беришини таъкидлайди, ва шу муносабат билан Кенгаш кун тартибининг муайян вазиятларга оид бандларини кўриб чиқиш, заруратга кўра, кенг тарқалган ёки тизимли тус олган жинсий зўравонлик муносабати билан зарур чоралар кўришга тайёрганини билдиради;*

2. қуролли түқнашувларнинг барча томонларидан тинч ахолига нисбатан жинсий зўравонликнинг барча ҳолатларини дарҳол ва тўлиқ тўхтатишни талаб қиласди;

3. қуролли түқнашувларнинг барча томонларидан зудлик билан фуқароларнинг, шу жумладан аёллар ва қизларнинг жинсий зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоялаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришини талаб қиласди, шу жумладан, тегишли ҳарбий-интизомий чораларни кўриш ва командирларнинг жавобгарлиги тамойилиги жорий этиш, ҳарбий хизматчиларга фуқароларга нисбатан жинсий зўравонликнинг барча шаклларини қатъяян тақиқланганлигини тушунтириш, жинсий зўравонликка сабаб бўлувчи қарашларга барҳам бериш, қуролли кучлар ва хавфсизлик кучларини илгари жинсий зўравонлик ва унинг бошқа шаклларини содир этганигини текшириш ҳамда жинсий зўравонлик хавфи мавжуд бўлган ҳолларда хотин-қизлар ва болаларни хавфсиз худудларга эвакуация қилиниши каби чоралар кўзда тутилиши мумкин; ҳамда Бош котибдан тегишли ҳолларда ушбу муаммони, шу жумладан, жабрланган маҳаллий жамоалар хотин-қизларининг фикларини эътиборга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли мансабдор шахслари ва низо томонлари ўртасида янада кенгрөк муҳокама қилиниши нуқтаи назаридан ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган мулоқотни рағбатлантиришни илтимос қиласди;

4. жинсий зўравонлик ва бошқа шакллардаги жинсий зўрлик ҳарбий жиноят, инсонийликка нисбатан ҳарбий жиноят, ёки геноцидга нисбатан хатти-ҳаракатлардан бири эканлигини *таъкидлайди*, низоларни тартибга солиш жараёнлари нуқтаи назаридан амнистия тўғрисидаги қоидаларнинг жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятларга нисбатан татбиқ этилмаслиги зарурлиги қайд этади, иштирокчи-давлатларни айниқса аёллар ва қизларни, жинсий зўравонликдан жабрланганларни қонунга мувофиқ тенг ҳимояланиши ва суд тизимидан тенг фойдаланишини таъминлаш, бу каби хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича мажбуриятларини бажаришга даъват этади ҳамда барқарор тинчлик, адолат, ҳақиқатга ва миллий ярашувга эришишга қаратилган умумқамровли ёндашувни амалга ошириш мақсадида бу каби ҳолатларда жазосизликка барҳам бериш зарурлигини қайд этади;

5. муайян давлатларга нисбатан жазо чораларини жорий этиш ва узайтиришда қуролли тўқнашувлар шароитида хотин-қизларга нисбатан жинсий зўравонлик ва бошқа шакллардаги зўравонликни қўллаётган қуролли тўқнашув томонига нисбатан қўлланилаётган манзилли ва босқичма-босқич чораларнинг мутаносиблигини эътиборга олиш истагини *тасдиқлайди*;

6. Бош котибдан, ўринли ҳолларда, Хавфсизлик Кенгаши, Операциялар ва тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус қўмита ва унинг Ишчи гуруҳи ва тегишли давлатлар билан маслаҳатлашувлар жараённида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кенгаш томонидан рухсат берилган миссиялари таркибидаги бутун тинчлик ўрнатувчи ва инсонпарвар ходимлари ўқув тайёгарлигидан ўтиши учун тегишли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни *сўрайди*, бунда улар фуқароларга нисбатан жинсий зўравонлик ва зўравонликнинг бошқа шаклларини олдини олиш ва аниқлашга ва бундай ҳолатларга нисбатан жавоб чораларини кўришга ёрдам бериш кўзда тутилади;

7. Бош котибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалиётларда жинсий эксплуатация ва жинсий таҳқирлашга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги сиёсатини ҳаётга жорий этиш бўйича хатти-ҳаракатларини давом эттириш ва жонлантиришни *сўрайди* ҳамда қўшин ва полиция кучларини таъминловчи мамлакатларни хатти-ҳаракатларни бошлашдан аввалги даврда ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган ҳолда огоҳлантириш чораларини ҳамда бевосита операциялар театрида ходимларнинг бу каби хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларда бутун масъулиятни таъминлаш учун бошқа чораларни қамраб олувчи превентив чора-тадбирларни қўллашни *астойдил илтимос қиласди*;

8. ўз қўшинлари ва полиция кучларини етказиб берувчи давлатларга, Бош котиб билан маслаҳатлашган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича операцияларда қатнашувчи ходимларнинг хабардорлиги ва жавоб чораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўллаши мумкин бўлган чораларга оид масалани ўрганиб чиқишини *тавсия қиласди*, бу ўринда тинч аҳоли, айниқса, аёллар ва қизлар ҳимояланишини таъминлаш, низолар пайтида ва

ундан кейинги даврда аёллар ва қызларга нисбатан жинсий зўравонликка йўл қўймаслик, шу жумладан, имкони борича, ишга солинаётган тинчлик ўрнатувчи кучлар ва полиция контингентида хотин-қызлар улушкини кўпайтириш назарда тутилади;

9. Бош котибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз мандатларига мувофиқ равишда тинчликни қўллаб-қувватлаш лаёкатини ошириш бўйича самарали раҳбарий тамойилларни ва стратегияни ишлаб чиқишни, фуқароларнинг, шу жумладан аёллар ва қызларнинг жинсий зўравонликнинг барча турларидан ҳимоя қилиш ва мунтазам равишда Кенгашга низоли вазиятлар ҳақидаги ёзма маърузаларига аёллар ва қызларни ҳимоялаш бўйича мулоҳазаларини ва бу борадаги тавсияларини киритишни *сўрайди*;

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ва тегишли муассасаларидан, бу борада хотин-қызлар ташкилотлари ва хотин-қызлар раҳбарлик қилувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда маслаҳатлашувлар ўтказиш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтиёрида бўлган қочоқлар лагерларида ва бундай лагерлар яқинида, шунингдек, бутун қуролсизланиш, демобилизация ва реинтеграция жараёнларида ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида амалга оширилаётган адолат ва хавфсизлик секторини ислоҳ қилиш юзасидан хатти-харакатлар доирасида аёллар ва қызларни зўравонлиқдан, биринчи галда, жинсий зўравонлиқдан ҳимоялаш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқишни *илтимос қиласи*;

11. Тинчликни қарор топтириш бўйича комиссия, низолардан кейин тинчликни қарор топтириш бўйича стратегияларига ўз таклиф ва мулоҳазаларини киритиш, ўринли бўлган холларда, қуролли тўқнашув жараёнида ва ундан кейинги даврда жинсий зўравонлик муаммоларини ҳал қилиш усусларини кўзда тутиш, гендер масалаларига умумий ёндашуви доирасида ўзининг муайян мамлакат шароитида фуқаролик жамиятининг хотин-қызлар ташкилотлари билан маслаҳатлашуви ва уларнинг ҳақиқий вакиллигини таъминлаш орқали муҳим роль ўйнаши мумкинлигини *таъкидлайди*;

12. Бош котибни ва унинг маҳсус вакилларини низоларнинг олдини олиш ва уларни тартибга солиш, тинчлик ва хафвсизликни қўллаб-қувватлаш ва низодан кейинги даврда тинчликни қарор топтиришга доир муҳокамаларга хотин-қызларни таклиф этишга *қатъият даъват қиласи*, шунингдек, бу каби музокараларнинг барча иштирокчиларини хотин-қызларнинг барча даражаларда қарор қабул қилиш жараёнида teng ҳуқуқли ва ҳар томонлама иштирок этишига кўмаклашишга чакиради;

13. барча тегишли томонларни, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иштирокчи давлатлари, тузилмалари ва молиявий муассасаларини миллий муассасалар, хусусан, суд тизимлари ва соғлиқни сақлаш тизимлари, фуқаролик жамиятининг маҳаллий тармоқ бирлашмаларини қуролли тўқнашувлар даврида ва ундан кейинги даврда жинсий зўравонлик курбонларига доимий ёрдам

кўрсатиш борасидаги салоҳиятини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга *даъват этади;*

14. тегишли ҳудудий органларни, ва айниқса, субхудудий органларни қуролли тўқнашувлар даврида жабрланган аёллар ва қизлар манфаатлари йўлида стратегиялар, тадбирлар ва тарғибот кампанияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича масалаларни кўриб чиқишига *астойдил даъват этади;*

15. шунингдек, Бош котибидан Кенгаш кун тартибидаги масалаларга оид ҳолатлар нуқтаи назаридан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мавжуд манбаларидаги ахборотлардан фойдаланган ҳолда, мамлакат гурухлари, тинчликни сақлаш бўйича операциялар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ходимларини қамраб олган ҳолда, буларга шунингдек, фуқароларга нисбатан жинсий зўравонлик кенг ёки изчили равишида қўлланилган қуролли тўқнашувлар ҳақида маълумотлар; қуролли тўқнашувлар шароитида жинсий зўравонлик кўлами ва улар билан боғлиқ тендециялар таҳлили; аёллар ва қизларнинг бу каби зўравонликдан азият чекишини имкон қадар камайтириш; жинсий зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича натижаларнинг дастлабки баҳолари; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шерикларининг жойлардаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлари; унинг қуролли тўқнашувлар шароитида, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жойлардаги ва Марказий муассасалардаги фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини яхшилаш орқали жинсий зўравонликка оид холис ва ишончли маълумотларни ўз вақтида йиғишига кўмаклашиш бўйича режалари ҳақидаги ахбороти; қуролли тўқнашув томонларининг мазкур резолюцияда кўзда тутилган мажбуриятларини, хусусан, барча турдаги жинсий зўравонлик актларини дарҳол ва тўлиқ тўхтатиши, аёллар ва қизларни жинсий зўравонликнинг барча турларидан химоялаш бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилиш орқали бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар киритилган маърузани 2009 йилнинг 30 июнига қадар тақдим этишни *сўрайди;*

16. ушбу масала билан бундан буён ҳам фаол шуғулланишга *қарор қиласди.*
